

Муносиб яшалган ҳаётни йиллар билан эмас, балки қипинган ишлар билан улчamoқ зарур.

Р.ШЕРИДАН



Янги укув йилида Чортоқ туманидаги «Чортоқ» жамоа хужалиги томонидан кам таъминланган ҳамда куп болапи ҳисобланган оилаларнинг 50 нафар фарзандларига укув қуроллари туҳфа қилинди.

ҚАДИМ ЙЎЛДА ҲИКМАТ КЎП

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7 сентябрь куни «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклашга бағишланган халқаро конференцияда иштирок этиш учун Озарбайжон Республикасига ташриф буюрди.

суски, энг арзон ва қулай бўлган денгиз йўлига тўғридан-тўғри чиқолмаймиз. Шу боис, коммуникация мамлакатимиз учун энг долзарб масалалардан саналади.

салаларни ҳал қилишдан иборат. Журналистларни, табиийки, айна пайтда Россия бошдан кечираётган иқтисодий инқироз ва унинг атрофидаги гап-сўзлар ҳам қизиқтирди.

мил ишонч билан, биз учун ҳавотирланишга ўрин йўқ, дея таъкидлади. —Мен бу фикримни олдин ҳам айтган эдим, — деди Президент, — Россиядаги инқироз бизга салбий таъсир қилмайди.

ўзи учун ҳозирланган қароргоҳга йўл олди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари Грузия Президенти Эдуард Шеварнадзе, Қирғизистон Президенти Аскар Акаев билан учрашди.

JUMLADA JANON

«Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов номига республикаимизнинг 7 йиллиги байрами муносабати билан дунё давлатлари бошлиқларидан самимий тилақлар битилган табрикномалар келиши давом этмоқда.

Россия Президенти Б.Ельцин телевидение орқали халққа мурожаат қилиб, ўз ваколати тугамагунча истефого чиқмаслигини ҳамда 2000 йилда бўладиган Президент сайловларида ўз номзодини қўймаслигини маълум қилди.

Афғонистондаги «Толибон» ҳарбий гуруҳи билан Аҳмадшоҳ Мавсуд қўшинлари ўртасида Кобулнинг шимолий қисмида шиддатли жанглар давом этаётти.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг расмий мажлисида Афғонистондаги можароларни тинч йўл билан бартараф этиш, ҳарбий ҳаракатларни тезда тўхтатиб, афғон гуруҳлари ўртасида БМТ байроғи остида музокараларни тиклашга киришиш таклиф этилди.



Men aytaman!

Мустақил фикр: у укувчида қандай шакллантирилади? 3-бет

АЪЛОЧИЛАР АНЖУМАНИ

Фан равнақисиз буюк давлат қуриб бўлмайди. Бу тақомил эса ёшлар қулиди. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз ёшларнинг пухта билими, етук мутахассис кадрлар бўлиб етишишлари учун барча имкониятларни яратиб бермоқда.

ишлар хусусида маъруза қилиб, мамлакатимизнинг жаҳон миқёсида мавқеи ошишида талаба ёшларнинг урни, уз Ватанига фидойи бўлиш, ёшларнинг аъло уқиш билан биргаликда маърифатли комил инсон бўлиб етишишлари учун зарур омиллар хусусида тухталиб ўтди.

си Р.Болтаева, Тошкент Давлат аграр университети талабаси М.Эркабоева ва бошқалар сузга чиқишиб, талабалар учун қилинаётган гамхурликлар, келажаги буюк давлатнинг етук мутахассиси бўлиш масъулияти ва шарафи хусусида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

З.УСМОНОВА

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИНИ ОЛГАНИМДАН БАХТИЁРМАН»

«Жар» спорт комплексида Ўзбекистон Президенти кубоги учун кураш бўйича биринчи халқаро мусобақа бўлди. Унда 28 мамлакатдан 40 нафар полвон иштирок этди.

бақани очаётиб, эндиликда кураш халқаро майдонга чиққанини таъкидлади. Бу эса мустақил Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига дадил қўшилаётганининг яна бир далилидир.

(Давоми 4-бетда)

«Устозлар ҳақида энг яхши қўшиқ» кўрик-танловига

4-бет

O'smir va qonun

ЛОҚАЙДЛИК ОҚИБАТИ

Бола тарбияси — энг қийин, энг масъулиятли иш. Унга ўз вақтида турғи тарбия берилсаку хўп-хўп, йўқса...

—Таълим-тарбияни кучайтириш, янги ёш авлодини шакллантириш давлатимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қонун ва дастурларда алоҳида ўрин эгаллаб келмоқда.

Бу борада вилоят миқёсида қўллаб амалий тадбирлар ўтказилмоқда. Бола тарбияси билан боғлиқ барча ташкилот, корхона, жамоатчилик тизимлари билан 2 ойлик дастур ҳам қабул қилинган.

(Давоми 2-бетда)

Tashxis markazlarida

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

Кизик дунё экан. Аслида асаб касалликлари шифокориман, аммо кўп йиллар мобайнида Тошкент врачлар малякасини ошириш институтида домлалик қилдим.

йил 11 ноябрдаги 433-сон «Ўзбекистон Республикасининг ногиронларни реабилитация қилиш бўйича 1996-2000 йилларга муължалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорига биноан бутунги кунда Ижтимоий таъминот вазирлиги тизимида ногиронлар (жумладан болалар) учун муължалланган реабилитация марказлари фаолият курсатмоқда.

ган реабилитация марказлари шулар жумласидандир. Шунингдек, Тошкент, Сирдарё, Фарғона, Самарқанд вилоятларида ҳам тиббий-ижтимоий реабилитация марказларини ташкиллаштириш жадваллик билан олиб борилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ХАВАРЛАРИ M M M ХОМИЙЛАР ҲИММАТИ Олтинқул туманидаги «Тошкент» жамоа хужалиги бошқарув ҳайъати раиси Қозимжон Париев туман ҳудудидagi 35-мактабда таълим олаётган кам таъминланган оилаларнинг 15 нафар фарзандларини дарсликлар билан таъминлашга амалий ердан курсатди.

FIDOYLAR TAQDIRLANDILAR Poytaxtimizning Yunusbod tumani xalq ta'limi xodimlarining navbatdagi kengashida Toshkent shahar XTBB maktablari bo'limi mudiri A.Ziyomuhamedov fidoyi o'qituvchilarga «Xalq maorifi a'lochisi», «Xalq ta'limi fidoyisi» ko'krak nishonlarini va vazirlkning faxriy yorliqlarini, tuman hokimi o'rinbosari esa ishbilarmon maktab rahbarlariga pul mukofotlarini topshirdilar. M.VALIYEVA

ФИКР АЛМАШИШДИ Урганч шаҳридаги Собир Раҳимов номли 16-урта мактаб математика фанидан укув дастури ва дарсликларини синаб куриш ва жорий этиш бўйича республикада ягона тажриба-саноо мактабига айланган. Икки йиллик мактабга Хоразм вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Худоев Абдуллаев, Урганч шаҳар ҳокими муовини Отабой Ражаболлар ташриф буюришиб, тажриба-саноо ишларининг бориши билан танишишди. У ерда иштирок этган олимлар, саноо утказиш бўйича илми гуруҳ вакиллари ва илгор муъллимлар тажриба-саноо дастурлари билан ишлаш юзасидан фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. И.ОЛЛАБЕРГАНОВ

DIQQAT! YANGI GAZETA Qoraqalpog'iston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi va «Ma'naviyat va ma'rifat» jamoatchilik markazi muassisligida chiqarib chiqarilgan «Ustoz» gazetasi ziyolilari uchun chin ma'noda maslakhdosh bo'ldi. Haftalik gazetada ta'lim sohasidagi islohotlarga keng o'rin berilgan. G'.YOQUBOV.

M M M МАЪНАВИЯТ - МЕЗОНИМИЗ Яқинда Сирдарё вилояти Шароф Рашидов туманида «Маънавият-мезонимиз» мавзусида семинар кенгаш бўлиб ўтди. Унда фуқаролар йиғини раислари, махалла оқсоқоллари, жукалик ва ташкилотлар раҳбарлари, илдор оқитувчилар, маънавият ва кўшимча таълим бўлими директори ўринбосарлари иштирок этдилар. Философия фанлари доктори Т.Саксоннинг «Иллий қадриятларни тиклаш» иқтисод фанлари номзоиди А.Маматовнинг «Ишлаб чиқаришнинг ҳулуғи муаммолари», Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Ҳаётгон Ортиқбоевнинг «Мафкура ва биз» мавзусидаги чиқишлари кенгаш иштирокчиларида катта таъсирот қолдирди. А.БОЙЖИГИТОВ

ЯНГИ ВАЗИФАЛАР

(Боши 1-бетда)

Чунончи, Низомнинг 2,6-бандида «Марказлар ўз ҳудудлари доирасидаги мактаб ўқувчилари орасидан жисмонан заиф ва ақлий ривожланишида нуқсон билан ўқувчиларни назоратга олади, улар ҳақида алоҳида маълумотлар захирасини яратди, таълим-тарбияси ва ривожланиши учун зарур бўлган мутахассисларнинг жалб қилинишига кўмак беради, тегишли методик, психологик ва тиббий ёрдам беришни ташкил қилади, махсус ўқув муассасаларида йўлланмалар беради» дейилса, 4,7- бандида эса «Марказ... эҳтиёж туғилганда тегишли муассасалардан мутахассисларни жалб этиш ва ҳамкорликда чораларни қўриш» ҳуқуқи ва мажбуриятлари аниқлаштирилган бўлиб келди.

Психологик-педагогик марказлар мактаб ўқувчиларининг тиббий назоратини мунтазам таъминлаш, 6-7 ёшли ўқувчиларни мактабга қабул қилиш комиссияларини тузиш орқали жисмоний заиф ва руҳий жиҳатдан нуқсонли бўлган ва касалмиқ болаларни ўз вақтида аниқлаш билан келгусида руй бериши мумкин бўлган ногиронликнинг олдини олиш еки унинг даражасини пасайтиришга ҳизмат қилади. Айнан ана шу йўналишда ҳар бир ҳудуддаги ижтимоий таъминот бошқармалари тасарруфида бўлган тиб-

бий-ижтимоий ҳамда касбий реабилитация марказлари билан ҳар бир шаҳар, туман халқ таълими бўлимида қўшилди ташкиллаштирилиши кузда тутилаётган ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик педагогик таълим марказлари, шунингдек, жойлардаги соғлиқни сақлаш бўлиmlарининг узаро ҳамкорлик қилишларини мақсадга мувофиқ деб биламан.

Айтайлик, Тошкент Давлат педагогика университети дефектология кафедрасининг мудири, профессор Л. Муминованинг нутқи ривожланмаган еки нуқсонли бўлган болаларни (аксари яти ногирон) педагогик-коррекция усул билан реабилитация қилиш бўйича иш тажрибасидан янгиин соҳа мутахассисларимиз бизни хабардор қилди ва бу олимпиа билан тез-тез мулоқотда бўлиб тураман.

Дарҳақиқат, юртимизнинг ҳар бир фарзандини камолотга етказишда, унинг тулиқ истеъдоди ва имкониятларини очиб бериш, жамиятимиз ривожланиши ва халқ фаровонлиги учун соғлом, чуқур билимга эга бўлган ёшларни катта ҳаёт йўлига тайёрлашда турли соҳа мутахассисларининг биргаликда фаолият қўриши шарт. Тилшунослик назарияси ва тарихида доир янги дастур, дарслик, ўқув қўлланмалари ва ри-

Шокир ҚОСИМОВ,
Ижтимоий таъминот
вазирлигининг
бош мутахассиси,
тиббий фанлари номзоди

Ҳозирги замон тилшунослиги кўп асрлик тарихий таракқиёт ва фан ривожининг натижасидир. Тилшунослик узоқ асрлардан бери филология ва фалсафа, тарих ва психология, мантиқ ва бошқа фанлар билан узвий боғланиб келган. Бироқ тилшунослик тарихига доир асарларда бу соҳа фан сифатида ҳинд-аврупо тилларини қиссий-тарихий урганилишдан шакллана бошланди, деб қўрсатилади. Бундай қараш нафақат тарихий, балки илмий жиҳатдан ҳам нотўғри. Эслида тилшунослик энг қадимги замонлардан филология фанининг таркибидан бўлган. Лекин тилшунослик янги аниқ бир мамлакатда пайдо бўлди (қўпичча Юнонистонда) дейиш ҳам тўғри эмас.

Машҳур олим, академик Н.Конрадининг эътирофи эшича: «Инсон ва жамият ҳақидаги барча фанларга доир Шарқнинг назарий гоъяларини ҳисобга олмақ зарур, Шарқда бу соҳаларда ҳар томонлама чуқур тадқиқотлар олиб боришларини эсдан чиқармаслик керак». Таниқли олимнинг Намжиддин Комилуовнинг қўрсатишича, XI-XV асрларда «Ғарб Шарқнинг меросири бўлиб майдонга чиқди. Прогрессив қарашлар, фан ютуқлари, маънавий обидлар янги иқтисодий-ижтимоий шароитда ривожлана бошлади, гуманизм, маърифат байроғи ҳудди эстафетадай инсониятнинг бир қавмидан иккинчисига узатилди.»

Тилшунослик назарияси ва тарихига доир янги дастур, дарслик, ўқув қўлланмалари ва ри-

лик ва қўлланмаларда, рисола ва мақолаларда фақат Аврупо тилшунослиги ҳақида маълумотлар берилиб, Шарқ тилшунослигига доир фикрлар йўқлиги, булганда ҳам бир-икки саҳифага ситдирилганини қаноатланарли, деб бўладими?! Дарҳақиқат, шўро даврида чиқарилган китобларда Шарқ тилшунослиги тарихига етарли эътибор берилмаган, бепсанд қаралган. Шун-

ТАРИХДАН САБОҚЛАР

Аюб Ғулом, Фахри Камол каби буюк олимларимизнинг асарлари ҳам четда қолмаслиги керак. Зеро, уларнинг тилшуносликда доир гоъялари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Табийий саоват туғилди: тилшунослик фақат назарий фаними? Тилшуносликка доир асарларда одатда бирок долзарб масалага қуруқ назарий жиҳатдан қараш акс этади. Масаланнинг амалий аҳамияти эса маъмулгича қоладики, гуе тилшунослик фақат назарий фан. Бундай бўлиши мумкин эмас. Барча фанлар нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир. Машҳур инглиз тилшуносли Д.Кристал амалий тилшунослик (Applied Linguistics, русча «Прикладная лингвистика»), тилшунослик назариялари, методлари ва гоъяларини тил билан

Milliy meros va tilshunoslik

соаларни яратиш жараёнида юртимиздан чиққан буюк тилшуносларнинг асарларини ҳам чуқур урганиб боришга алоҳида эътибор бериш лозим. Шу қаторда ўзбек тилшунослигининг ривожланишига катта ҳисса қўшган Фитрат, Абдулла Авлоний, Ғози Олим Юнусов,

боғлиқ соҳаларда таъбиқ этилишини, бинобарин, у хорижий тилларни ургатиш, нутқ бузилиши билан боғлиқ муаммолар, она тили таълим, лугатшунослик, таржимашунослик, нутқ маланияти ва стилистика билан боғлиқ эканини изоҳлайди. Лекин она тили ва хорижий тилларга ургатиш методик қўлланмалари ҳам бекки, улар амалий тилшуносликнинг айнан ўзи эмас, балки у билан боғлиқ ҳолда тилга ургатишнинг самарали методикасини яратиш билан шуғулланади. Амалий тилшунослик соҳасида ҳам алломаларимизнинг хизматлари буюкдир. Турли асрларда яратилган изоҳли ва икки тилдаги лугатлар, турғи талаффузга ургатиш ва грамматика қоидаларига доир қўлланмалар амалий тилшуносликнинг юртимизда юксак ривожланганидан дарак беради.

Ана шуларни ҳисобга олиб, Самарқанд чет тиллар институтида «Умумий ва амалий тилшунослик кафедраси» ташкил этилгани тахсинга лойиқдир. Чунки тилшунослик назариясидан хорижий тилларни урганишда амалий фойдаланиш самара бериши шубҳасиздир.

Абдузўхур АБДУАЗИЗОВ,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби,
Мирзо Улўғбек номидаги ТошДУ профессори

«МАЪРИФАТ» МАСПАХАТХОНАСИ

Директор шу мактабнинг ўзида ўқитувчилик ишини қанча ҳажмда бажариши мумкин? Бу иш ҳажми ҳафта-сига 16 соатга етиши мумкинми? Ҳозирги вақтда химия фани ўқитувчиларига ноқулай меҳнат шароитлари учун қўшимча ҳақ белгиланадими?

А.ХОЛМИРЗАЕВА
Андижон вилояти Пахтабод тумани, 33-мактаб

Амалдаги уриндошлик ҳақидаги қонунчилик ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1991 йил 2 декабрь 03-1140 сонли «Ўқув-тарбия муассасалари ходимларининг иш ҳақини ҳисоблаш тартиби ҳақида»ги (11.1-11.36) қўрсатмалари хатига асосан, раҳбар ходимларининг шу ўқув-тарбия муассасасида узининг асосий ишидан ташқари ўқитувчилик ишини бажариши уриндошлик ҳисобланмайди ва ўқитувчилик ишининг ҳажми, бажарилган ишнинг сифати педагог-кадрларнинг борлиги ва бошқа маҳаллий шароитни ҳисобга оладиган факторлар билан биргаликда юқори халқ таълими органлари томонидан чегараланмайди.

Йўқ, белгиланмайди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекслари асосида Ўзбекистон Олий Мажлисининг 1995 йил 21 декабрь 1621 сонли қарорига кўра, 1996 йил 1 апрелдан ноқулай меҳнат шароитига қўшимча ҳақ тўлаш кўзда тутилмайди.

Туман халқ таълими бўлими қошидаги марказлашган ҳисобхона ҳисобчиларига ойлик лавозим маошлари печани тариф разрядлари асосида белгиланади? Наовий вилояти Қизилтепа тумани халқ таълими бўлимининг марказлашган ҳисобхона ҳисобчилари

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 1996 йил 2 май 6/03-2 сонли «Вилоят, шаҳар туман ҳокимиятларининг мустақил бўлиmlари ва бошқармалар қошидаги марказлашган ҳисобхона ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари ҳақида»ги қарорига асосан, туман халқ таълими бўлими қошидаги марказлашган ҳисобхона ходимларининг бир ойлик лавозим маошлари қуйидаги тариф разрядлари асосида белгиланади:

- 1 тоифали ҳисобчиларга 7 разряд билан;
- 2 тоифали ҳисобчиларга 6 разряд билан;
- тоифага эга бўлмаган ҳисобчиларга 5 разряд билан.

Касаллиги ёки бошқа сабаблар туфайли вақтинча ишга келмаган ўқитувчилар ўрнига дарс бераётган қандай тартибда ҳақ тўланади?

Т.НАЗАРОВ
Бухоро тумани Галаосиёв шахри

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1991 йил 2 декабрь 03-1140 сонли қўрсатмасининг 13.1 ва 13.2 бўлимига асосан, ўқув-тарбия муассасалари ўқитувчилари ва бошқа педагог ходимларнинг касаллиги ва бошқа сабаблар туфайли икки ойдан кўп бўлмаган муддат урнига ишлаш тартибидан амалда берилган ҳамма соатлар учун соатбай ҳақ тўланади.

Икки ойдан кўп бўлмаган вақт давомида урнига ишлаган педагог ходимларга умумий тартибда маош тўланади, яъни бу соатлар уларнинг асосий тарификацияларига қўшилади ва урнига ишлаган вақтнинг бошидан тарификация қилинади.

Иш ҳақини тўлаш тартиби билан боғлиқ юқоридаги саволларга Республика Халқ таълими вазирлиги режа ва молия бошқармасининг меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи Н.М.Нестерова жавоб берди. Бунинг учун муштарийларимиз номидан у кишига миннатдорчилик билдирамиз.

Yangi alifboni o'rganamiz

Ц HARFI IFODALAGAN TOVUSHNING YOZILISHI

Har bir til yoki tillar guruhida boshqa tillardan o'zlashtirilgan so'zlar ham bo'ladi: Bunday o'zlashma so'zlarning yozma ifodalanihi odatda o'zlashtiruvchi tilning alifbosi va talaffuz me'yorlari imkoniyatlari doirasida qoidalashtiriladi. Chunonchi: hozirgi o'zbek adabiy tilida Ц tovushi qo'llanadi. Bu tovush o'zbek tiliga o'zaki nutq orqali o'tgan, yozma nutqda o'timishda turlicha ifodalangan, masalan **ch**

tovush bilan berilgan: царское правительство — чор ҳукумати, церков — черков. Bizning davrimizda ц tovushi rus tili hamda rus tili orqali Ovrupa tillaridan asosan yozma nutq orqali o'zlashtirilmoqda. 1927-1940 yillardagi o'zbek alifbosida ham Ц harfi yo'q edi. Mazkur harf ifodalagan tovush o'zbek yozuvida S va TS harflari qo'shilmasi bilan berilishi qoidalashtirilgan edi:

hozir ham ana shunday berish qoidalashmoqda. Bu qoidalar quyidagicha:

Ц
1. S bilan beriladi:
a) so'z boshida: цех—sex, цирк—sirk, центнер—sentner;
b) undoshdan keyin: концерт—konsert, акция—aksiya, Швеция—Shvedsiya;
c) so'z oxirida: шпирц—shpirs, кварц—kvars, Баренц денизи—Barens dengizi

2. ts bilan beriladi: unli tovush - harflardan keyin: лицей—litsey, конституция—konstitutsiya, доцент—dotsent, Греция—Gretsiya.

O'qing. Nima uchun s yoki ts yozilganligini tushuntirib bering, so'ng ko'chirib yozing. Fransiya, konsern, korporatsiya, akzioner, assotsiatsiya, operatsiya, pritsep, revolutsiya, telestansiya, vitse-prezident,

ЮМШАТИШ ВА АЙРИШ БЕЛГИСИ

РУС ТИЛИ ИМЛОСИДА Ъ ВА Ъ БЕЛГИСИ
товушни ифодаламайди; қуйидаги уринларда қўлланади:

юмшатиш белгиси	айириш ва айириш белгисини бажарган юмшатиш белгиси
Суз охири ва уртасида узидан олдинги ундош товушларни юмшоқ талаффуз қилишга ишора қилиш учун ёзилади: мебель, фонарь, июнь, пальто, коньки, альпинист	1. Ъ приставкадан кейинги я,ю,ё,е ҳарфлари олдида ёзилади: объявление, разьезд, подъезд. 2. Ъ эса я,ю,ё,е ҳарфлари олдидаги ундошдан кейин ёзилади: судья, фельетон, компьютер. Бу икки ҳолда ъ ва ъ белгилари я,ю,ё,е ҳарфлари икки нутқ товушини, яъни: йа, йу, йё, йо товушларини ифодалашига ишора қилади.

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ЯНГИ ИМЛОСИДА

Юқоридаги ҳолларда ъ белгиси қўлланмайди: mebel, fonag, iyun, konki. ЭСЛАТМА:Рус тилидаги узлашма сузларда айириш белгиси вазифасини бажарадиган юмшатиш белгисидан сунг ъ ҳарфи урнида О ёзилади: павильон. Бундай сузлар уо ҳарфи билан берилади: почтальон—pochtalyon, батальон—batalyon, медальон—medalyon

Юқоридаги икки ҳолда ҳам рус тили имлоси асосида я,ю,ё,е ҳарфлари уа, уу, уо,уе ҳарфлари билан ёзилади: razezved, svezd, sudya, kompyuter, atelye, Eslatma. Рус имлосидаги ъ белгиси билан ёзиладиган узлашма сузлар уа, уу,уе,уо ҳарфлари билан берилади: адъютант—aduytant, объектив—obyektiv.

O'qing. Nima uchun shunday yozilganligini tushuntirib bering, va ko'chirib oling. Tabel, shinel, albom, buldozer, dizel, obyekt, nyesa, subyekt, relyef, neft, pavilyon, konyuktura, medalyon, povilyon, asfalt.

Yo'ldosh Abdullayev,
pedagogika fanlari nomzodi

Fanimiz fidoyilari

Таълим жонкуярларидан бири, профессор Давир Тухлиев узининг бутун онгли ҳаётини мамлакатимизда усимликлар биологияси фанининг таракқиети ва олий мактаб муаммоларига бағишлаб келаятган инсондир. У Тошкент Давлат педагогика институти 1964 йили муваффақиятли тугатган, Паст Даргом туманидаги 24-урта мактабда биология фанидан машғулотлар олиб борди. Бироқ, бу ишнинг ўзи уни қониқтасмас, биологиянинг назарий асосларини, хусусан, мамлакатнинг муҳим стратегик соҳаси бўлган пахтачилик илмини чуқурроқ урганиш истаги тинчлик бермас эди. Д.Тухлиев шу мақсадда устозлари эътидан тутиб, 1965 йили ЎзРФА экспериментал биология илмий-теқшириш институтига келиб, кичик илмий ходим бўлиб ишлаш бошлайди. У 1968-1971 йилларда Тошкент Давлат қишлоқ ҳужалик институтининг кундузги бўлим аспирантурасида ўқиб, «Сув режимиинг пахта ҳосилдорлигига таъсири» мавзусидаги номзодлик диссертацияси устида илмий иш олиб борди.

1978 йили Д.Тухлиевнинг «Усимликлар физиологияси» дарслиги босилиб чиқди. Сунгра 1994 йили чоп этилган «Умумий биология», шунингдек, 1996 йили эълон қилинган «Усимликлар физиологияси ва мевачилик» деб номланган дарсликларидан ҳам бугунги кунда университет ва педагогика институтиларда кент фойдаланиб келинмоқда. Бундан ташқари, «Табиятни қуриқлаш»,

утказилган «Йил ўқитувчиси» курик-танловининг голиби бўлди. Давлат аттестация ва аккредитация ҳайъати аъзолари томонидан унинг ўқитиш услубиятини оммалаштириш тавсияси этилди.

Давир Тухлиев катта оиланинг бошиги, турмуш ўртоғи, тажрибали муаллими Хосият ая билан бирга турт уғил ва икки қизни воёга етказиб, ўқитиб, олий маълумотли қилди. Улар ҳам турли соҳаларда ҳалоқ меҳнат қилишмоқда.

Биз узукко олим Давир Тухлиевнинг илмий излаишларида унга толмас куч-қувват тилаб қоламиз.

ЎСИМЛИКЛАР ИЛМИ

география факультетида декан этиб тайинланди. Давир Тухлиев шижоаткор ва мақсад йўлида интилувчанлиги, илм заҳматига чидамлилиги билан уттиз йил ичида оддий тадқиқотчилан таниқли услубиетчи биолог олим даражасига кутарилиди. Бу давр ичида унинг битта монография, учта дарслик, бешта ўқув қўлланмаси, бешта услубий тавсиянома ва 150 дан ортки илмий-услубий мақолалари эълон қилинди.

«Биология дарсларида маҳаллий материаллардан фойдаланиш», «Табиятни муҳофаза қилиш (Оҳангарон водийси мисолида)» сингари ўқув қўлланмалари ҳам Д.Тухлиевнинг илмий-услубий салоҳиятини оширди.

Тажрибали лектор Д.Тухлиев машғулотлари чуқур илмийлиги, амалий синювларга бойлиги ва узлаштиришга осонлиги билан ажралиб туради. У 1998 йилда Тошкент вилоят Давлат педагогика институти бўйича

Тургунбой МАНСУРОВ,
биология фанлари доктори, профессор,
ТВДПИ биология кафедрасининг мудири,
Исомиддин ЕРМАТОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
ТВДПИ ректорининг илмий ишлар бўйича муовини

ЛОҚАЙДЛИК ОҚИБАТИ

(Боши 1-бетда)

Агар жиноят содир қилган усмирларнинг сонига назар ташласак, улардан 17 таси мактаб ўқувчиси (1997 йилда - 13 та), 6 таси махсус хунар-техника билим юртлари талабаси, 42 таси ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиганлар, 4 таси бошқа ўқув билим юртлари ўқувчилари ва 3 таси узга вилоятлардан келган ёшларни ташкил этади.

ВЕИН инспекторига хабар берилмаган. Натяжада ушбу усмир ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган усмирлар Абдуллаев Олим ва Тошев Алишерларнинг таъсири остида тушиб, жорий йилнинг январь, февраль ойларида 5 та утрилик жинояти содир қилиб, жиний жавобгарликка тортилган.

Воёга етмаган ёшлар томонидан содир этилган жиноят турларини таҳлил қилсак, улар томонидан 1 та оғир тан жароҳати етказилш, 5 та енгил жароҳат етказилш, 5 та номушта тегиш, 4 та талончилик, 74 та угрилик, 1 та безорилик, 6 та транспорт воситасини олиб қочиш, 2 та тиеханчилик ва 2 та бошқа турдаги жиноятлар содир этилганлигини курамиз. Бу жиноятларнинг асосий қисми Бухоро шаҳрида - 47 та, Бундан ташқари, Ғиждувонда 10 та, Қорақўлда 9 та, Когонда 7 та, Вобкентда 6 та, Шодфирконда 5 та содир қилинган.

Воёга етмаган ёшлар томонидан содир этилган жиноят қилинишининг юқори даражада бўлишининг сабаби, аввало воёга етмаганлар билан ишлаш назорати ходимларининг ўз вақтида жиноятчиликка мойил бўлган усмирларни аниқлаб, профилактик ҳисобга олмаслик бўлса, иккинчидан, бу муҳим ишда мактаб, хунар ва техника билим юртлари жамоатларининг деярли иштироклари йўқлигида. Шу боис қўлаб ҳужубзарликка мойил ўқувчилар назардан қетиб қолмоқда. Масалан, Бухоро шаҳридаги 34-урта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Яхеев Умиджон мактабга сабабсиз келмаслик ҳолларини содир қилиб юрган, лекин ушбу ўқувчининг хатти-ҳаракатлари билан мактабда ҳеч қим қизиқмаган. Бу ҳақда

1983 йилда тутилган Тошев Умид, 1984 йилда тутилган Эшонов Йўлдош жорий йилнинг март - май ойларида 3 та утрилик содир қилганлар. Ушбу воёга етмаганларнинг ешига қарасак, улар 9-10 синфларда ўқилган керак, лекин номаълум сабабларга кура ўқидан четда қолиб кетишган. Бу муаммо билан мураббийлар жидий шугулланмасалар охири янада ёмон бўлади.

Воёга етмаган усмирларни жиний йўлга юриш сабабларини яна бири бу мактаб-ойда уртасидаги ҳамкорликнинг йўқлиғидир. Мактаб ўқитувчилари асосан ўз ўқувчиларининг мактабдаги ҳаётини биладилар ҳолос. Дардан бунш вақтда нима иш билан шуғулланади, уйларида шароит қандай бу туғида маълумотга эга эмаслар.

Масалан, Бухоро туманидаги 1-урта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Жураев Бахтиер Галаосиёв шахри марказида жойлашган Матлубот уюшмаси ҳиссадорлик жамиятига қарашли қиосқадан 2800 сумлик қанитоварларни уғирлагани учун ушланган. Ушбу бола-нинг отаси йўқ, онаси боласининг тарбиясига етарли эътибор бера олмаган. Аммо бу оиладаги аҳвол билан мактаб маъмурияти ҳам қизиқмаган. Агар озгина эътибор бўлганда эди, бола қиосқадан дафтар, қлей, рўчка, қалам каби нарсаларни уғирламас эди. Чунки у шу нарсаларга муҳтож бўлганлиги сабабли уғирликка қўл урган.

Ички ишлар идоралари ходимларини бугунги кунда ташвишга солаётган нарсас бу ёшларимизни мактабдан қолиб кетишлари ҳисобланади. Вилоятимизда жорий йилда ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган усмирларнинг 42 таси жиноят йўлига кирган. Бу воёга етмаганлар орасида умумий жиноятчиликнинг 44,7 фоизини ташкил қилади.

Масалан, Бухоро шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиганлар 1984 йилда тутилган Курбонво Жаҳонгир,

Сўхбатдош:
Норали ОЧИЛОВ

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ ҲАМ КАТТА БОЙЛИҚДИР

Бугун давлатимиз катта бир манзилга юз тутган. Манзилки, не-не доволару неча-неча сарҳадлардан тажассум топган. Унинг таъбири тортмоқ учун эса сарбоннинг кетидан «луклаб» кетадиган йўловчи эмас, ўша сарҳаду доволарнинг даст-баландини ўзи-да билувчи, сезувчи, шогвчи йўловчи керак.

Агар бу рамзийликни биров равишанлаштириб айтадиган бўлса, келажимиз мустақил фикрловчи, ўзига хос онг, тафаккур эга ёшлар қўлида. Юртбошимизнинг шу гоё теварагидаги хулосаларни бот-бот такрорлашлари бежиз эмас. Зеро, Шўро ақида-парастлиги бизни нечоғли ақлий танбал қилиб қўйганлиги, унинг қандай оқибатларга олиб келганлиги барчага аён.

Бугунги асосий вазифа онги, тафаккури такомил топган ворисларни тарбия этмоқ. Хўш. Бунинг учун нима қилиш керак? Биз ушбу масала юзасидан бир гуруҳ олимлар, ХТВ мутахассислари, ўқитувчиларни фикр билдирмоққа чоғладик. Қўйида мазкур баёнларни ҳужминизга ҳавола этамиз.



Болалар ҳам гузаллик яратишга қодир

Мустақил фикрлай олиш, ўз фикрга эга бўлиш — улуг незматдир, олий инсоний фазилатлардан биридир. Машҳур инглиз олими Гилфорд тафаккурнинг 16 дан бир хислати сифатида фикрнинг мустақиллигини кўрсатган эди. Шундан буён жуда кўп тадқиқотларда тафаккурнинг барча хислатлари мукамал ўрганилди ва шубҳасиз, мустақил фикрга эга бўлиш, инсоннинг ижодийлигидан, маълум мукамалликка эришганидан далolat беради.

Таассуфки, инсон боласи туғилганидан тафаккурли, мустақил фикрли бўлиб туғилмайди. У йиллар давомида, ҳаёт таърибаси орқали, одамлар билан ҳар хил муносабатларга тушиши жараёнида, у ёки бу воқеа ҳақида ўз таъбирига, ўз фикрига эга бўлиб боради.

«Ўз фикрга эга бўлиш» деган ибора билан «мустақил фикрлаш» деганининг орасида бир оз фарқ бор, албатта. Ҳар

иккаласи ҳам жуда қимматли, кишининг ақлий салоҳиятини кўрсатадиган хислатлар бўлгани билан, ўз фикрига эга бўлиш - асосан, ҳаёт таърибасига ҳавола қилинганликдан, таърибдан келиб чиққанликдан ҳабаб беради. Иккинчи тарафдан, мустақил фикрлаш ёки фикрнинг мустақиллиги, бу инсоннинг ўзигагина

сўсиятдир. Ҳаёт айнаида бир кишининг ўзига хос хислатидир. Демак, бир хил болалар бировдан ўрнат олиб, ўзлаштириб, тафаккур алгоритмларига эга бўла оладилар ва шунга мойил бўладилар, бошқа бировларда эса, табиий равишда ўзига ҳам, бошқаларга ҳам сезилмаган тарзда ҳаёт муаммоларини ечиши жараёнида,

мос равишда бойитилган, мунозарали, муаммоли мухитга қўйса, унинг тафаккурига кўп озунча берса, у шунчалик кўпқиррали, ижодий ва шубҳасиз, ҳаёт таърибасининг охиши натижасида, ўз фикрига эга бўлиб боради, ўзи ижод қила оладиган, ўз назарига биноан иш бажара оладиган, мустақил бўлиб бора-

қадрини, унинг қиммати-ни халқимиз онгига, ёш ота-оналар онгига синдиришимиз керак. Чунки миллатимизнинг аънавий одатлари орасида мустақил фикрга эга бўлиш - ахратиб тасаввур этиладиган, аҳамият берилмаган ҳислат бўлиб келмаган, шу сабабли, масалан ота-она ҳам, керакли жойда андишага борма, кўрқмай, ўз фикрини айта олишга болани ўргата олиши керак. Демак, тарбиячи ота-она мустақил ва ижодий фикрлай олишни ўргата оладиган, унинг нафақат моҳиятини ва балким, методикасини ҳам онгли равишда ишлашга олиши керак.

Мана шу ўринда мустақил фикр билан аънавий, ўзбекона тарбиядан келиб чиқадиган катта ҳаёт хурмат, сабр-тоқати бўлиш ва бошқа шу каби ажойиб одатларимиз уйғунлашиб кетиши кераклигини назарда тутмоқ лозим.

ФИКР МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ МЕЗОНЛАРИ

Ботир ҚОДИРОВ,
психология фанлари доктори,
Республика Истеъдод Марказининг директори

Берилмаган таъриф, чунки унинг фикри, тафаккурининг хислати. Худди киши хотирасининг ёки диққатининг азалии, айнаи шу кишигагина хос хислатлари бўлгани каби фикрнинг мустақиллиги, унинг ижодийлиги, йўналганлиги, кўлами ва бошқа хислатларига ўхшаб индивидуал-психологик ху-

бирловнинг бевосита ёрдамисиз, баъзан илгорроқ тафаккур хислатларини ўзларида шакллантира оладилар. Кўриб турибсизки, ҳар иккала ҳолда ҳам ташқи мухитнинг, психологлар тили билан айтилганда, муаммоли вазиятнинг роли катта. Шубҳасиз, болани ёшига

ди. Шундай қилиб, фикрнинг мустақиллиги, тўтқиқ бермайдиган, гоийб бир нарсаси эмас. Балким, аниқ бориқдир, демак, уни маҳсус таълим, йўналтирилган тарбия, тегишли ижтимоий-маънавий мухитда шакллантириши мумкин. Лекин энг муҳими, мустақил фикрга эга бўлишнинг

Республикамиз Президентининг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавоблари марказида барпо бўла бошлаган янги жамиятимиз мафкуриси ётади. Мустақиллик мафкуриси деб ном олган бу гоёлар тизимининг асосий тамойиллари Президентнинг аввали нутқи ва мақолаларида атрафлича ёритилган. Аммо биз «Тафаккур» журнали саҳифаларида эълон қилинган сўхбат билан ақилдан танишар эканмиз, унда жамиятимиз мафкуриси билан боғлиқ янги гоёларнинг уртага ташланганини кураимиз. Ана шундай гоёлардан бири онгли турмушнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти масаласидир.

Президент жамиятимиз мафкурасининг бу муҳим қиррасига диққат-эътиборни қаратишдан олдин жадидчилик ҳаракатининг атоқли арбобларидан бири Абдулла Авлонийнинг «Тарбия бизлар учун ё ҳаёт-ё мамот, нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир», деган ажойиб

ришини ҳис қилдик, очигини айтсам, ҳозир ҳам сезяпмиз.»

Шўро даври таълим-тарбия тизимининг ана шу катта хатосини баргараф этиш ва бу тизимни янги тарихий-иқтисодий давр талаблари асосида янгилашга булдан эҳтиж кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурини ишлаб чиқишни кун тартибига қўйди. Президент кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ масалаларни бирма-бир санар ва шарҳлар экан, «таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахнинг шаклланишига олиб келади. Узининг кадр-қиммати-ни англайдиган, ироласи бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга булган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириб жамият ҳаётининг бош мезонига айланади», дейди. Ва бу сўзларнинг ичиде этган улкан мазмунни тубанлагича очиб, шарҳлашга лавом этади: «Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиж сезиб эмас, аксинча - ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъу-

ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ БОШ ТАМОЙИЛИ

Наим КАРИМОВ,
филология фанлари доктори

сузларини келтиради. Бу сўзлар асримизнинг 10-йилларида миллий уйғониш ҳаракатининг муҳим шиорларидан бири сифатида айтилган эди. Оралдан 80 йилдан зиёд вақт ўтганига қарамай, улар бугунги миллий уйғониш ва миллий тараққиёт даврининг ҳам асосий талаблари ва шартларидан бири сифатида жарангламоқдаки, бу ҳол жадидчилик ҳаракати билан ҳозирги давр уртасида муайян яқинлик ва ҳамоханлик мавжудлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Президентнинг тарбия масаласига алоҳида аҳамият бераётганининг асосий сабаби шундаки, шўро давридан бизга мерос бўлиб қолган таълим-тарбия тизимида номақбул жиҳатлар оз бўлмагани сабабли бу тизим бугунги кунда тубдан янгилашни тақозо этмоқда. Бу ерда гап мазкур тизимнинг фақат шўро даври мафкуриси билан сугорилганигагина эмас. «Бу тизим, - дейди Президент, - Ватанига, халқига, миллатига филокор, мустақил фикрлайдиган, бирон-бир масалани онгли равишда, масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчан, янгилликка интилувчан кадрларни эмас, асосан саёз савияли ҳодимларни, муте кишиларни минг-минглаб етиштирган эди. Жамиятимизни янгилаш, ислохотларни ҳаётига талбиқ этиш, бозор иқтисодиёти асосларини барпо қилишга утар эканмиз, ана шундай онги қотиб қолган, азму шижоатдан йироқ, эл-юрт манфаати учун қуйиб ёнмайдиган кадрлар мутасил равишда ишнинг белгига тепиб ту-

лияти билан, онгли тарзда, овоз ва хур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий мухитни сохта ақидалар, бақирик-чақириклар, ҳавоий шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни уларни ақл-идрок ва қалб амри билан танаб олган ҳаётий мақсадлардан қалғитиб ҳам бўлмайди.»

Чамаси, бу сермазун фикрни шундай уқиб кетмасдан, ундаги айрим нуқталарни тафаккур дундасида катталаштириш лозим.

Агар Президентнинг ёш авлоннинг ахлоқий тарбияси хусусида айтган фикрларини яна бир бор назардан ўтказсак, унинг жамиятимиз ёш аъзолари олдига бундай вазифаларни қўяётганлиги яққолашади:

- ватан, халқ, миллатга филокорлик;
 - мустақил фикрлаш, серка ортидан эргашмаслик;
 - бирон-бир масалани онгли равишда, масъулият билан ҳал қилиш;
 - изланувчан бўлиш, янгилликка интилиш;
 - жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларни теран ҳис этиш ва шу ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этиш;
 - азму шижоатли бўлиш;
 - овоз ва обод жамиятни барпо этувчиларнинг олдига сафида бўлиш;
 - узининг кадр-қиммати-ни англаш;
 - бақувват иродали, иймони бутун, аниқ мақсадли инсон бўлиш.
- Ана шундай кишиларгина онгли турмуш кечирishiлари ва улар кечираётган онгли турмуш жамият бош мезонига айланаши мумкин.
- Президентнинг мазкур масала буйича олган сураётган гоёси шундан иборат.

Мамлакатимизнинг таълим ақли ҳам мустақилликнинг 7 йиллигини қатор мунафакятлар билан муносабат қилиб олди. Умумтаълим мактабларининг ўқитиш дастурларини ислох қилиш, тўққиз йиллик умумий ўрта таълимнинг сифат жиҳатидан янги тизимни яратиш, унинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан давомийлиги ва узвий боғлиқлигини таъминлаш борасида амалий қадамлар қўйилди. Умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти ҳамда 5-9-синф ўқувчиларининг билимларини даражаларини назорат қилишнинг рейтинг усули турғисидаги Низом лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Президентимиз Исом Каримовнинг бу дастурий қурғатмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги қарориде ўз аксини топди. Қарорга мувофиқ таълим дастурлари ўқувчиларнинг мунтазам билим олишини, уларда билим олиш эҳтижини ривожлантиришни, меҳнат қуниқмалари, мустақил ижодий фикрлаш, касб танлаш ва атраф-муҳитга онгли муносабатни ҳосил қилишни, миллий ва умумбашарий қадриятларни узвий бирлаштириш асосида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялашни, ўз Ватанига ва халқига содиқ фуқаро-

торли. Маорифчиларнинг қузғиси ҳисобланмиш «Маърифат» газетасида «Бир соғатлик дарс», «Таъриба, синов, натижа», «Синаб кўрини» рухшаридаги мақолалар ўқитувчиларга маъқул бўлганлигини ҳам таъкидлаб утиш жоиз. Масалан, яқинда эълон қилинган хоразмлик ўқитувчи Хусанбой Болтаевнинг «Сиз дарсинингиз қандай бошлайсиз?» сарлавҳали мақоласи ўзига хос мулоҳазаларга бойлиги билан мутахассислар эътиборига тушди. Назаримда, таълим бериш соҳасида, шунинддек, мустақил фикрлашга ўргатиш борасида тулганган илгор таърибаларни турли-турли

БУГУНГА ЯНГИ ТАФАККУР КЕРАК

Марат ШАФИЕВ,
ХТВ маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи

Республика Президенти: «Янгиқа фикрловчи кишиларни тайёрлашдан, тарбия қилмасдан ўз олдимиҳа қўйган вазифа ва мақсадларни рўбга чиқара олмаймиз», - деб айтган эдилар.

Дарҳақиқат, содиқ Иттифоқ давридаги 70 йиллик коммунистик мафкура кишиларимиз онгидан миллийлик, мустақиллик деган фикрларни чиқариб юборини, кишиларнинг ўз ўғминин, ўз тарихи билан гурурланишини унутиб қўйдирин эди.

Демак, бундан кўринадики, бугуннинг ва эртанинг равақи учун янги фикр, янги тафаккур керак. Бу ақилдага, аввало, бола-ларимизни ўргатмоғимиз лозим. Ҳар бир бола фикрлаш маданиятига эга бўлса, ўзи эркин фикрлаб бошқаларнинг фикрини хурмат қилса, ўйлайманки, биз тарбиячиларнинг бу йўлдаги катта ишнинг бўлади. Ўқувчи-ёшларимизнинг эркин фикр юритиши учун керакли муҳит яратас эркин фикр яратилди.

Бу ерда ўқитувчи-тарбиячининг ўрни, ҳурмати, муомаласи, муносабати, ўзини туттиши катта роль ўйнайди. Муҳим маъқул бўлса, эркин фикр юритишга имкон тузилади.

Шу ўринда бир мулоҳазага эътибор беринг. Японияда ҳар бир бола 1-синфга 200 та шерь ёллаб келиши керак экан. Энди бу ҳолатдан ўзимиз учун керакли маънавий ажратиб кўрсак, олдимизда яна бир қанча қилиниши керак бўлган юмушларни кўрамиз. Жумладан, барча синфларда ўқувчиларнинг мустақил, маълум мавзуларда дарслар ўтишини ташкил этишимиз, уларнинг ўзлари сўхбатнинг ички-ташқи сийёсатига онд мафкуравий мавзуларда сўхбатлар, мунозарали дарслар ўтказиши, бадий адабиётга онд ижодий ишларни ўзлари саҳналаштиришга, мактабда ва маҳалаларда қизик тадбирлар ўтказишга қўмаклашишимиз керак.

Менинг фикримча, ушбу вазифаларни амалга ошириш учун етакчи олимлар ва мутахассислар, ижодкорлар, амалиётчи ўқитувчилардан иборат республика методик кенгашини тузишимиз керак. Ўқувчи-ёшларимизни ахборотта қанқоқликни тарбиялаш-ахборотсиз яшай олмаслик, ўқимасга тура олмаслик руҳида тарбиялашимиз лозим. Ўқувчи-ёшларимиз тарихимиз, маданиятимизни чуқурроқ ўрганиш учун архив материалларидан фойдаланишимиз ачина бўлар эди.

Кундалик сийёси, маданий воқеаларга баҳинда этилган мунозара, диалог, мулоқот мактабни яратиш керак. Айниқса, тез-тез материаллари, Президентимиз маърузаси, асарларнинг тез-корлик билан ўрганишини тақомиллаштириш боришимиз, бунинг учун эса кутубхоналар ишини тубдан янгилаш лозим. Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 24 июлдаги «Маънавий-маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан умумтаълим мактабларимизда эркин тафаккур юритишчи «Фидолилар» номли кўп ташкил этилди. Бу клубларнинг мақсали, эркин фикрловчи, онгли фаолияти, амалий мақсадли, истеъод ва қобилиятларини, дунёқарабини очиб баён этишга иштиқомал, ҳозирги замон илгор гоёлларини эгаллаш, ислохотлар моҳиятини чуқур англаган ўқувчиларни тарбиялаш, улар учун имконият ва шароит яратиш, рағбатлантириб туриш, худлас, ҳар томонлама ривожланган ижодий шахсини шакллантиришдан иборатдир. Демокчилик, болани эркин фикрлашга ўргатишга қўшимча тадбирлар ҳам етакчи ўрин тутди.

Ота-оналар назариде гуечи болалар фақат елди, ичиди, ухлайди ва бекорчи шухликлар қилишди, холос. Аслида эса улар атрафидеги катталарнинг ҳар бир ҳаракатини синчловчи билан кузатади, теварагидаги барча воқеаларни ўзига тушуноқчи булади. Кўп воқеалар, ҳодисаларга ақли етмайди. Шунга қарамай, болалар ҳам катталардек ишмоқчи буладилар, яратмоқчи буладилар. Бунинг учун уларга аризмаган нарсаси — уйинчоқлар бўлса булди. Уйинчоқлар ердамида болалар ўзлари

Болалар уйнаётганда уларни яхшилаб кузатинг. Улардаги иқтидор, ақл-идрок уйин пайтида намоён булади. Уйинчоқларни беркирма, «Ҳамда ёққа сочиб юборинг», - дея уришманг. Аксинча фикрни оширадиган, ақл талаб қиладиган, турли рангидеги уйинчоқларни болаларнингизга ҳадя этинг.

Агар болалар уйинчоқлар билан катталардек муносабатда булиши ургансалар, катта булгач атрафидеги уйинчоқларга қарагандек қарамайдилар. Болалар уйинчоқлар билан уйнаётганда кат-

боллари акс этирилган уйинчоқларни уйнаш кони фойдалар. Уларга рангиде қамаллар ва мойли беқлар, шилтириллар соғва қилинса, боланинг бекорчи шухлиги учун буш вақти қолмайди.

Болалардаги шухликни ман қилиш мумкин эмас, чунки шухлик уларнинг табиатидан келиб чиқди. Балки шухликни сарф етдиган уйинчоқлар билан овора қилиш, уларнинг шухликларини мақсад сари йўналтириш лозим. Бизларга уйин бўлиб

БЕГУБОРЛИК САЛТАНАТИ СУЛТОНЛАРИ

Ҳамдам ТҮЙЧИЕВ, ўқитувчи

шоҳ булган мамлакатни туздилар, уша мамлакат ақолисини «ташкил қилиб», қонунларини ишлаб чиқадилар.

Уйинчоқлар ердамида болалар уларга истаган, уларга итвоткор ҳамда содиқ булган дустларга эга буладилар. Масалан, қумлардан уларга еққан саройларни бунед етддилар. Олдий чуллардан гурух-гурух лашкарларни туздилар. Уйинчоқларни енда болалар худди катталардек ҳайдовчи, қумондон, врач еки ўқитувчи була оладилар. Катталар болаларга қандай тошириқ беришса, болалар ҳам уйинчоқларга шундай тошириқлар берадилар. Бунинг натижасида улардаги фикр, ҳаракат ҳамда ҳиссеслар ривожланди. Улардаги мулоҳаза, мулоҳазакорлик ошди, кучларига куч қўшилди. Шу урида қандай уйинчоқлар уларга ҳамроҳ булиши аҳамиятлидир.

талардан эшитган танбех, хикоятларни ишлатадилар. Демак уларнинг уйинида бизларнинг ахлоқимиз акс этир экан. Бизлар болаларга ешилкан уйинчоқларни асрашни ўргатсак, катта булгач уларга жомат мулкни сақлаш ҳақида булган дустларга эга буладилар. Масалан, қумлардан уларга еққан саройларни бунед етддилар. Олдий чуллардан гурух-гурух лашкарларни туздилар. Уйинчоқларни енда болалар худди катталардек ҳайдовчи, қумондон, врач еки ўқитувчи була оладилар. Катталар болаларга қандай тошириқ беришса, болалар ҳам уйинчоқларга шундай тошириқлар берадилар. Бунинг натижасида улардаги фикр, ҳаракат ҳамда ҳиссеслар ривожланди. Улардаги мулоҳаза, мулоҳазакорлик ошди, кучларига куч қўшилди. Шу урида қандай уйинчоқлар уларга ҳамроҳ булиши аҳамиятлидир.

қуринаётган машғулотлар болалар назариде меҳнат қилиш демакдир. Мен гурут қутисиде гиштга қуйиб, ундан уйча ясаб, уйчада яшаш учун қуён, айиқча, тулқилар ясашиб, улар билан «меҳмон-меҳмон» уйнаётган болақайни курганимда беҳад қувондим. Бу болақай уйи кураётган отасига ухлаш билан бирга, ҳайвонлар билан ҳам дустлашиш орузисиде эканлигини, ҳамда ўзбекона меҳмондустликни акс этирган эди.

Уйинчоқлар болалар учун эрмак, овуноқ булиш билан бирга улар ҳаётининг ажралмас қисмидир. Тун учун қукда ой, қундуз учун қуёш қай тарзда аҳамиятли бўлса, болалар учун ҳам уйинчоқлар шундай аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам болаларимиз чиройли уйинчоқлар даврасида ҳаминша қувноқ ва шодон бўлиб юришлари учун қудимиздан нимаикни келса, шунини қиламиз, албатта.

ТАЪЛИМ-АСОСИЙ ПОЙДЕВОР

Гуландон АЛИМОВА,
ЎзХТВ умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи

Айни кунда илм масканларида таъриба-ўқув дастурларини синовдан ўтказиш бошлаб юборилди.

Ўрта таълим узлуқсиз таълимнинг ҳал этувчи ва энг асосий бутини булгани боис республикадаги илгор таърибаларни омаллаштириш, таълим тизимига илгор миллий ва хорижий технологияларни олиб кириш, психологик хизматни жорий этиш, хорижий мамлакатлар, таълим соҳаси билан шуғулланувчи халқаро ташкилотлар билан узаро ҳамкорлик қилиш, шунинддек, турли баҳамунозара кечаларини, фан олимпиадаларини жонлаштириш ҳам доимо диққат-эътиборимизда булди. Бу ҳаракатлар уйил-қизиларимизни комил инсон қилиб тарбиялашга, мустақил фикрловчи, кенг тафаккурли, соғлом, маънавий ва маърифий жиҳатдан етук, баркамол кишилар бўлиб етиштиришга муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисод билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳоннинг қойил қилиши лозим.

ни шакллантиришни таъминлаш лозим. Бу, албатта, муаллим-мураббийлар иқтидори, салоҳияти билан тақомилга етади.

Ҳайратли ўқитувчи таълим-тарбия машғулотларини қизқарили ва мазмунли ўтказиш учун пухта тайёрларлик куради. Бунда у дарслик ва қўлашмалар билан чекланиб қолмайди, балки қўшимча манбааларни умумий фойдаланади. Муаллимларнинг ижодий, тинимсиз изланиши, самарали меҳнат қилиши ўқувчиларнинг мустақил фикрлашга таъсирини ўтказса боради. Яъни уйил-қизлар эркин мулоқотта киришадилар.

Иқтидорли, изланувчан ўқитувчи болан белгиланган ўқув режаларига қониқмасдан, таълим жараёнида янгиликлар кирита бошлайдилар. Бунинг фақат қўлаб-қувватламоқ керак. Зеро, изланувчан ўқитувчига ўқувчинини мустақил фикрлашга ўргата олади.

йўлар билан омаллаштира борса, муайян натижага, қўлашган мақсадга, албатта, эришилади ва ўқитувчилар ўртасида дустона рақобат пайдо булади.

Шу билан бирга еш муаллимлар билан ишлаш самардорлигини ошириш, устоз ва шогирд аънаваларини тиклаш, тақомиллаштириш ва давом этириш, умуман еш мутахассисларга катта эътибор бериш зарур, деб ўйлайман. Зеро, эркин мулоқотта ҳозирлаш ана шу нуқтада бошланади. Демакчманки, гоҳо таърибали муаллимлар еш мутахассисларни қийин дақиқаларда ўз ҳолига ташлаб қўядилар. Бунга мактаб маъмурияти ҳам лоқайларча муносабатда булади. Натижада еш мутахассисда ўзига булган ишончи, муаллимлик касбияти ихлоси, садоқати йўқола боради. Албатта, ҳозир бу йўналишда ижодий ишлар амалга оширилмоқда. Худлас, ешларни мустақил фикрлашга ўргатиш мезонлари, йўналишлари турличаси, биз уларни шу каби усул ва йўлар билан мукамаллаштириб борамиз.

«Устозлар ҳақида энг яхши кўшиқ» кўрик-танловига

Газетамизнинг 1998 йил 15 август соҳида 1 октябрь - Уқитувчилар ва мураббийлар кўни байрамига бағишланган ўқитувчилар, тарбиячилар ва мураббийларни улуғовчи кўшиқлар кўрик-танловини эълон қилгандик. Ушбу танловимизга келган илк кўшиқни бугун эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Кавсар ТУРДИЕВА шеъри Мирхалил МАХМУДОВ мусикаси

УСТОЗЛАР

Сизгадир йўлдошлар, Эзулик, бардошлар, Изингиз оқшилар, эъозлар. Дафтарлар қатида, Меҳрлар ёдида, Нур бўлиб яшайсиз, устозлар.

Сиз берган одобдан, Гўёки офтобдан, Баҳорча айланар аёзлар. Ҳар синф хонада, Меҳрибон онадай, Бизларни қаршилар, устозлар.

Кўтариб қадимиз, Ёздириб хатимиз, Қоралаб хўп дафтар, қоғозлар. Деб кичик даҳолар, Бизларни баҳолар, Ҳар фурсат баҳолар, устозлар.

Улғаяр ниҳоллар, Ечилар саволлар, Севинчлар топади қиёслар. Утса ҳам аразлар, Сизда йўқ гаразлар, Сизда кўп ҳаваслар, устозлар.

Фан деган ўлкага, Билими елкага, Сиз ортач, қиламиз, парвозлар. Ҳар кичик сарҳада, Қувониб албатта, Бизларга қарайсиз, устозлар.

Бу кунлар туш бўлиб, Учирма куш бўлиб, Соғинчдан титраса, овозлар. Меҳрлар йўлкаси, Маърифат ўлкаси, Сизларни эслатар, устозлар.

Музыка нотаси билан «Устозлар» кўшиқининг нотаси. Нотада ўқувчи ва мураббийларнинг кўшиқлари кўриқ-танловига бағишланган. Нотада кўшиқнинг нотаси ва кўшиқнинг матни кўрсатилган.

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИНИ ОЛганимдан БАХТИЁРМАН»

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Президентини кубоги учун кураш буйича биринчи халқаро мусобақа доирасида айти Тошкентда конгресс бўлиб утгани ва унда Кураш буйича халқаро федерация ташкил этилгани диққатга сазовордир. Мамлакатимиз Президентини Ислон Каримов бу федерациянинг биринчи фахрий президенти этиб сайланди. Унинг мамлакатимизда спортни ривожлантиришдаги хизматлари давлатимиздан ташқарида ҳам эътироф этилган.

Конгрессда федерациянинг биринчи президенти ҳам тасдиқланди. «Камолот» республика ёшлар жамғармаси раисининг уринбосари Комилжон Юсуфов шу лавозимга тасдиқланди. Курашда спортнинг олимпия тури мақоми берилишига ҳаракат қилиш федерациянинг асосий вазифаларидан бири.

— Дунёдаги энг кучли полвонлар иштирок этган бу мусобақанинг биринчи ғолиби бўлганимдан бахтлиман, — деди Селим Татаруғлу. — Бу мусобақа жуда яхши ташкил этилгани ва самимий меҳмондустлик билангина эмас, ҳакамларнинг юксак малакаси ва холислиги билан ҳам ёдимизда сақланиб қолади.

Грузиялик полвон Давид Халишвили мусобақанинг қумуш совриндори бўлди. Унинг ватандоши Рамаз Чочивили бронза медалига сазовор бўлди. Яна бир бронза медал эстониялик Индрек Бертельсонга берилди.

Мукофотларни топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Тошкент шаҳри ҳокими К.Тулаганов иштирок этди.

(Ўза)

Yangilik

ЕШ ЭКОЛОГ ҚАЛАМКАШЛАР КЛУБИ

Ўзбекистон ёшларининг БИОЭКОСАН ўқув-услубий мажмуасида «Еш эколог қаламкашлар клуби» иш бошлади. Клуб аъзолари давримизнинг долзарб муаммоси бўлган экология муавзиди қалам тибратига жазм қилган иқтидорли ёшлардан иборат.

«Еш эколог қаламкашлар клуби»га 5-11-синф мактаб ўқувчилари, ҳунар-техника билми юрталари, академик лицей талабалари аъзо бўлишлари мумкин.

Клубнинг сиртки бўлимига республика мида вилоятлари, туман ва шаҳарларида яшовчи барча ёшлар хат орқали борланиб, аъзоликка қабул қилиниши кузда тутилган. Сиртки клуб аъзолари учун машғулотлар хат орқали савол-жавоб тарзида олиб борилади.

Улар йилда икки марта еш эколог қаламкашларнинг республика семинар-контлашига тақдир этилади.

Клуб аъзолари ҳафтада бир марта машғулота тушганида. Уларга таълим олим, ёзувчи ва публицистлар сабоқ берилади. Далаҳон Нурий, Мухаммадали Қўшқоқ, Пирмат Шермухамедов, Амиркул Карим, Йўлдош Эшбек ва бошқа таълимчи ишкорлар ёшларни қаламкашлик сир-асоратларидан хабардор қилишади.

Клубга экологияга қизиқувчи ва келгусида ишкор бўлишни орзу қилган ҳар бир ўқувчи аъзо бўлиши мумкин. Бунинг учун Шайхонтоҳур тумани Хуршид кўчаси 258-уйда жойлашган БИОЭКОСАН ўқув-услубий мажмуасига мурожаат этилса, бас. Тел.: 41-27-23. Мажмуада ёшларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайе этилган.

«Еш эколог қаламкашлар клуби»га марҳабо, азиз ёшлар!

Хасан ЖАЛОЛОВ, республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси директори уринбосари

Ҳозирги шароитда илм йўлини, маърифат йўлини танлаган ёшларни фақат қўллаб-қувватлаш керак, уларга қумаклашп зарур.

Бир танишимиз моддий етишмовчиликдан нолиб юриб, охири бозорга чиқиб кетди. Яхшигина пул топиб, рузгорини бутлаб олди. Ҳар сафар олимга келса афсусланади.

— Чунтақни тулдирдиму

қуллиетида таҳсил олган.

1993 йилда университетни имтизли диплом билан тамомлаб, аспирантурада билим олишни давом эттирди. Филология фанлари доктори, профессор А.Пардаев раҳбарлигида илмий излашлар олиб борди. Ва ниҳоят, устозининг ишончини оқлаб, шу йилнинг февралда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Оқил йиғит

мана бу ер тулмайпти, - дейди қўшқига мушгаб. Икки йилнинг ичида ун беш йил ўқитганим бир пул бўлди. Энди мен илмга қайта олмаман. Хашаки одам бўлиб қолдим, хашаки!

Ҳар бир инсоннинг ҳаётида у зурри бор. Туз насабиси қаердалигини билмаган одам бечоралар ичра бечоралир.

Бир филолий йиғит бор. Қадим Бухоронинг Шофиркон туманида тутилган. Алишер Навоий номидаги урта мактабни тугатиб, Самарқанд Давлат университетининг рус филологияси

Қамишдан бел боғлаб, мустақил Ватанимизга малакали, маънавиятли кадрлар етиштириб беришга уз ҳиссасини қўшаётган бу еш олим Оқилжон Латиповдир.

Оқилжоннинг илмга, адабиятга меҳр қўйишида ота-си Журакул Латиповнинг ҳиссаси катта. Журакул акани жамики Шофиркон аҳли яхши кўради, ҳурмат қилади. Ота унингнинг парвози баландлигидан, айти пайтда Самарқанд Давлат университетида талабаларга сабоқ бераётганидан боши осмонда.

Дилшод РАЖАБ

Xullas...

АЙСБЕРГЛАРНИНГ СИРИ

Канада фирмаларидан бири «Айсберг» деб номланган ароқ ишлаб чиқара бошлади. Ароқнинг улкан муз қатламлари билан боғлиқлик жойи борми?

Ньюфаундленд муз қатламларидан оққан сув бу ичимликнинг манбасидир. Гап шундаки, бу сув қариб 12 минг йил аввал музга айланган. Гарчанд муз қатламлари ифлосланган бўлса ҳам хозирги денгиз ва океан сувларидан тоза. Қисқаса, айсберглардан тайёрланган ароқни мухтаassisлар экологик жиҳатдан тоза деб ҳисоблашмоқда.

КОНДИЦИОНЕРЛИ МАШИНАЛАР

Кулинг ўргилсин машинанг бўлганига нима етсин? «Физз» этиб у ёққа борасан, «Физз» этиб бу ёққа борасан, жоннинг роҳати.

Волжскадаги автомобиль заводи ўзининг кондиционерли (иситгич, совутгич) машиналарини ишлаб чиқара бошлади. Машинамасан машина. Ана шу максадда АКШдан турли илмий шартлоғларга мослаштирилган 5 мингта курилма келтирилди.

«ВАЗ-Интерсервис» заводи машиналардан бирига «проба» учун мазкур мосламани ўрнатди. Машина ичига фақат тоза ҳаво оқими кирди, ҳайдовчи хоҳласа совутди, хоҳламаса йўқ.

Ҳўш, бу улов ракобатардошми? Ҳозирча унга тенг келадигани йўқ. Бироқ келажакда эса улар ҳам оддий ҳодисага айланиб қолиши аниқ...

ТАСЛИМ БЎЛМАДИ

Биз аёлларни ожиз хиёқат деб биламиз. Аслида эса уларда ҳам катта юрак бўлиши мумкин экан.

Твер вилоятининг Боровец кишлоғида истикомат қилувчи Нина Богданова қармоқ дастаси кесиб келиш учун ўрмонга қараб йўртди. Қўллаганда бошига қаттиқ зарба тушиб, мувозанатини йўқотди. Угрилиб қараса, қаршисида каттакон айтиқ ташлашига шай ҳолатда оғзини очиб турарди. Аёл ўзини тезда ўнглаб олди. Йирткич бу сафар йирткичлигини қилолмади. Аёл кўлини тирсагига қадаб рақибининг оғзига тикди. Фуфайкасининг ёлғин ёлғини дурустна чағналди уни дурустна сақлади. Бироқ чап қўлининг сувғи синди. Бахтига Нина Богдановада ўткир тигли пичоқ бор эди, кунига яради.

Айтиқ ҳайқириб қолаверди, аёл эса жон ҳолатда оёғини қўлига олиб, орқасига қайтди...

ana shunaqa gaplar...

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетининг ресторанти ва касаб уюшма қўшма тиббий таъбиқор бўлими бошлиғи Раъно Икромова оғаси

Ҳаётда а ИКРОМОВА вафоти мусобақати билан таъзия изҳор этади.

Чилдзор тумани халқ таълими бўлими жамоаси шу тумандаги 201-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Матлуба Аҳборовага ўғил РАҲМОНХОННИНГ бевақт вафоти мусобақати билан таъзия изҳор этади.

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси шу билим юртнинг директор муовини Дилмурод Маждонова палари буруқвор

Йўлдош ота вафоти мусобақати билан ҳуқур ҳамдарлик билдиради.

Илҳом ЗОЙИР

ЭНДИ НАВБАТ ЖАҲОН ЧЕМПИОНЛИГИГА
Эронда ўқалган шахмат буйича Осиё чемпионатида моҳир шахматчимиз Рустам Қосимжонов ўз кўчинини яна бир кўрсатиб қўлди. У турининг энг ёш қатнашчиси бўлишига қарамай чемпионликни қўлга киритди.

КУЧЛИ БАРИБИР КУЧЛИЛИК ҚИЛДИ
Мухлис ва тассислар катта қизиқиш билан кутган Евро-2000 саранаш ўйинларидан бири Киевда бўлиб ўтди. Унда Украина ва Россия терма жамоа футболчилари куч синашиб, майдон эгалари 3:2 ҳисобида галаба қозонди.

ЕВРОПАНИНГ «СУПЕР» КЛУБИ
Европа футбол клублари сулер кубогини кубок эгалари кубоги соҳиби Англиянинг «Челси» жамоаси қўлга киритди. Дал қилувчи баҳса у чемпионлар лигасининг ғолиби Испаниянинг «Реал» жамоасини 1:0 ҳисобида мағлуб этди.

ҲАЛАБАНИНГ БАҲОСИ
Канадада аёллар ўртасида мукофот майдони 926 260 доллар бўлган мусобақанинг ҳал қилувчи баҳсида АКШ теннисчиси Моника Селем ва испаниялик Аранча Санчеслар мусобақалашди ва унда америкалик спортчининг қўли балавд келди.

МИСРДАН МЕДАЛ ОЛИБ ҚАЙТИШДИ
Ёшларнинг рум курашчиларимиз Мисрда ўтказилган мусобақада муваффақиятли қатнашди. Юрий Витт (76) чемпионликни қўлга киритган бўлса, умумжамоа ҳисобида вакилларимиз 3 ўринни қўлга киритди.

МАТБААЧИЛИК ТАРИХИДАН
Туркистонда китоб босиш, матбаачилик ишлари ўн тўққизинчи асрдан бошланган эди. 1868 йили Тошкентда биринчи босмахона ташкил этилди ва шу йиллик унда дастлабки китоблар чоп этилди.
Утган асрнинг 70-йиллари охирида эса Хоразмда тошбосма (литография) пайдо бўлди.
Туркистонда биринчи расмий газета 1870 йилда чиққан бўлиб, «Туркестанские ведомости» деб аталган.
А.АЛИЕВ тайёрлади

Самиев қақирганида ичимдан зил кетдим. Кузларим алақ-чалақ бўлиб, ҳам-хоналаримдан наҳот изладим. Улар ҳам елка қисилдан нарига утишмади. Ноилож бўйнимдан биров ип утказиб тортаётгандек муовиннинг хонасига кириб бордим.
— Қани, бундоқ утиринг-чи, — деди Самиев рупарасидаги курсини курсатиб. Утирар-утирмайсиздан суроққа тулди. — Кеча мажлисда курунмадингиз? Узи сизларга бир нима бўлганми? — Энди жавобга оғиз жуфтламоқчи эдим, оғзимга «уриб» берди: — Баҳона қилармай қўяқолинг! Ҳаммасини билман. Экин-тикин мавсуми, томорқангининг у ёқ-бу ёғига қарагансиз, бунинг устига қаватингизга қирадиган киши йўқ, бола—чақалар эса хали ёш, шундайми?.. Тугрисини айтиш керак! Сизлар булсангиз гапни олиб чоқасизлар!
— Кечирасиз, — дедим чуртанбаракда қилиб. — Мен кеча мажлисга қатнашганман — Наҳотки? — деди гапимга ажабланиб. — Мен сизни курмадим-ку! Орқа-поркада биқиниб утирган чиқарсиз-да.
— Унчалик орқала эмас, уртарақда утиргандим, — дедим бироз дадилланиб. У бўлса бармоқлари билан столни тикирилатиб турди-да, сунг илжайиб менга қаради.
Унда айтинг—чи, агар мажлисга қақиратган ҳам қатнашган булсангиз, биринчи бўлиб ким сўзга чиқди?
— Ҳаммамиз учун хурматли, бошлитгимиз Атаев!
— Нима масалада гапирдилар?
— Туман мактабларида тартиб—интизом, ўқитувчиларнинг бутуни кундаги савияси ҳақида.
— Яхши! Атаевдан кейин

ким гапирди?
— Нурматов, лицей мактаблари буйича уринбосаримиз.
— У нима деди?
— Туман халқ таълимининг ўқув йилини муваффақиятли кутиб олиш учун жой-монов, кадрлар буйича инспектор Хайдаров, ўқув-ишлаб чиқариш бўлими мулдери Жумаевлар уз фикр-мулоҳазаларини уртага ташладилар.
— Хўп, мажлисини ким епти?
— Одатдагидай, Атаев.

— Йўқ, нега энди кунглимга оларканман, — дедим юзимга бир оз тундлик бериб. Бошлиқ деган ходимларни теграб турса яхши-да!
Бу гапимдан муовин ийиб кетди.
— Ростини айтсам, Бойматов ука, — деди мени узига яқин олиб. — Менинг узим мажлисда йўқ эдим. Узингиз биласиз, ҳозир экин-тикин мавсуми, томорқаларга қарайдиган киши йўқ, болалар хали ёш... Сизни қақирганимдан мақсад, мажлис тафсилотларини билиб олиш эди. Вдруг Атаев қақириб қолсалар, ноқулайчилик бўлмасин дегандим-да. Қимматли маълумотларингиз учун раҳмат.
Бу гапни эшитиб, уримдан тураримни ҳам, утираримни ҳам билмай қолдим. Шунда «мажлисга қатнашмаган битта мен эмас эканман-ку» деган фикр ярқ этиб миямга урилди. Андиша ва

Муовиннинг пешоналари бир оз тиришгандай бўлди.
— Яхши, — деди талмов-сираб. — Катнашганингиз рост экан. Мен шунчаки сизни бир синаб курмоқчи бўлдим, холос. Баъзилар булар-ку, мажлисга қатнашади, лекин ухлаб утиради. Сизнинг ҳушёрлигингизни билардим узи... Кунглингизга олмайсиз-да энди?

МАЖЛИС

ларда олиб бораётган иланишлари тургисиди кўйиниб гапирди. Унинг гапларини Нуратов, Гиясов, Михфатулина ва Разиқовлар қўллаб-қувватлашди.
— Шу билан мажлис тугади-ми?
— Нега энди? Кадрлар масаласи ҳам баҳс-мунозарара сабаб бўлди. Услубият хоналари буйича мутахассис Фар

Ma'rifa
ТАБСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаб уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар:
Дилбар ХЎЖАЕВА,
Рустам БОЙМАТОВ

Газетани IBM компьютерида
Лилия Бинашева ва Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтти тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.